

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01-  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОРМАТОВ БАХОДИР ИСМОИЛОВИЧ**

**ТУТНИНГ ЗАМБУРУҒ ҚЎЗГАТАДИГАН КАСАЛЛИКЛАРИНИ  
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТАРҚАЛИШИ ВА  
УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Норматов Баходир Исмоилович**

Тутнинг замбуруғ кўзгатадиган касалликларини Сурхондарё вилоятида тарқалиши ва уларга қарши кураш чоралари ..... 3

**Норматов Баходир Исмоилович**

Распространение грибных болезней шелковицы в Сурхандарьинской области и меры борьбы с ними ..... 21

**Normatov Bakhodir Ismoilovich**

Distribution of fungal diseases of mulberry in the Surkhandarya region and control measures against them ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01-  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОРМАТОВ БАХОДИР ИСМОИЛОВИЧ**

**ТУТНИНГ ЗАМБУРУҒ ҚЎЗГАТАДИГАН КАСАЛЛИКЛАРИНИ  
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТАРҚАЛИШИ ВА  
УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Qx534 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Зупаров Мирақбар Абзалович**  
биология фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Гулмуродов Риксибой Абдиевич**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Холдорев Мирхалил Уразбекович**  
биология фанлари номзоди, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот  
институтини**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «14» 09, соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (542127)-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2020 йил «24» 12 куни тарқатилди.  
(2020 йил «26» 11 даги 092-рақамли реестр баённомаси).



**Б.А.Сулаймонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., академик

**Я.Х.Юлдашов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к.х.ф.н., профессор

**Э.Т.Бердиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
к.х.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда пилла етиштириладиган давлатлар 20 дан ортиқ бўлиб, шулар орасида бу маҳсулотни етиштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Хитой ва Ҳиндистон давлатларидан кейин учинчи ўринда туради. Бир қути ипак куртидан олинадиган пилла ҳосилдорлиги Хитойда 80,0-85,0 кг, Ҳиндистонда 78,0-80,0 кг бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 59,0 кг га тенг<sup>1</sup>.

Дунёнинг етакчи илмий тадқиқот марказларида тут дарахтларида касаллик кўзгатувчи *Fusarium heterosporum*, *F.javanicum*, *F. solani*, *F.javanicum* var. *radicicola*, *F.sambucinum*, *F.solani* var. *argillaceum* замбуруғларининг тарқалиши, ривожланиши, келтирадиган зарари ва уларга қарши кураш чораларига бўйича изланишлар олиб борилган. Бунинг натижасида замбуруғлар кўзгатадиган касалликлар туфайли йўқотиладиган ҳосилни сақлаб қолишга эришилган. Ҳозирги кунда ҳам тутнинг замбуруғ кўзгатадиган касалликларига қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқишга йўналтирилган тадқиқот ишлари долзарб ҳисобланади.

Пиллачиликни ривожлантиришда тут ипак куртининг асосий озика базаси бўлган тут барги сермахсул озика базасини яратиш учун муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда охириги 25 йилда бу соҳа эътибордан орқада қолганлиги туфайли ипак хом ашёсини етиштириш йилдан-йилга пасайиб борди. Унинг асосий озика базаси бўлган тутзорлар қаровсиз қолди, кўп ҳолларда тут дарахтларини қирқиб, улардан ёқилғи сифатида фойдаланилди. Бундан ташқари, сақланиб қолган тутзорларнинг маҳсулдорлиги турли зараркунандалар ва касалликлар туфайли кескин пасайиб кетди. Бундай аянчли ҳолатдан чиқиб кетиш ва бу соҳани қайта оёққа турғозиш ҳамда ривожлантириш учун кейинги уч йилда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга бағишланган 3.3-бандида «...касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини ҳамда юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонот зотларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш чораларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» масалалари алоҳида белгилаб қўйилган<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2856-сон “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 11 августдаги 616-сон “2017-2021 йилларда пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 14 январдаги 25-сон “Фермер хўжаликларининг ер

<sup>1</sup> PROCEEDINGS of Genetic Resources Institute of Azerbaijan National Academy of Sciences. BARU-2018 Elmi Eserliti, VII cild, №2. –P.126-131.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

участкаларидан янада самарали фойдаланишнинг ва кўшимча даромад олишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 20 мартдаги ПҚ-3616-сон “Пиллачилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 20 августдаги ПҚ-3910-сон “Республика пиллачилик тармоғидаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 4 декабрдаги ПҚ-4047-сон “Республикада пиллачилик тармоғини жадал ривожлантиришни кўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тутнинг касалликлари ва уларга қарши кураш бўйича бир қатор илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган. Бундай тадқиқотлар Грузияда М.А.Какулия, Н.М.Чантурия, И.Ф.Гогелия, М.М.Гвинепанадзе, Туркменистонда С.Анналиев, Тожикистонда А.Л.Злотина, Нигерияда R.A.Baiyewu, N.A.Amusa, J.B.Idowu, Бангладешда L.Ghose, F.A.Neela, M.F.Mahal, M.J.Khatun, M.R.Ali, Ҳиндистонда B.K.Chikkaswamy, Rabin Chandra Paramanik, Озарбайжонда N.Aghayeva Dilzara, V.Lamiya Abasova, Susumu Takamatsular томонидан амалга оширилган.

Ўзбекистонда тутнинг касалликлари тўғрисидаги биринчи маълумотлар Н.Г.Запрометов илмий ишларида келтирилган бўлса, кейинчалик бундай тадқиқотларни Е.М.Ашкинадзе, И.М.Азимджанов, А.Шералиев, М.А.Зупаровлар ўтказганлар. Бироқ, бу тадқиқотлар бундан қирқ йил аввал ўтказилган бўлиб, унда келтирилган маълумотлар тутчиликнинг ҳозирги ҳолатини ўзида акс эттира олмайди. Шу сабабли тутнинг касалликларини ва уларга қарши самарали кураш чораларини ўрганиш бўйича илмий-амалий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Тошкент давлат аграр университетини Фитопатология ва агробиотехнология кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган № 2.7 “Доривор ўсимликлар интродукцияси ва ўсимликларни химоя қилишда биотехнологик усулларни ишлаб чиқариш” мавзуси доирасида бажарилган (29.12.2017 йил).

**Тадқиқотнинг мақсади.** Сурхондарё вилояти шароитида тутнинг замбуруғ кўзғатадиган касалликлар тарқалиши, ривожланиши ва зарарини

аниклаш ҳамда касаллик кўзгатувчиларнинг биологик хусусиятларини таҳлил қилган ҳолда уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

тутнинг касалликларини тарқалиши, ривожланиши ва зарарини аниклаш;

касаллик кўзгатувчиларининг тур таркиби ва уларнинг биологик хусусиятларини аниклаш;

тутнинг касаллик кўзгатувчиларига қарши кимёвий ва биологик препаратларнинг самарадорлигини лаборатория тажрибаларида аниклаш;

самарали натижалар берган препаратларни вегетацион тажрибаларда ва ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказиш.

**Тадқиқот объекти** тутнинг касалликлари ва уларнинг кўзгатувчи замбуруғ турлари ҳамда уларга қарши қўлланиладиган кимёвий ва биологик препаратлар.

**Тадқиқот предмети** тутнинг касалликка чалинган ниҳоллари, кўчатлари ва дарахтлари ҳамда нисбатан кўпроқ майдонларда экилган тут навлари.

**Тадқиқот усуллари.** Тутнинг касалликларини тарқалиши ва ривожланиши М.И.Дементьева, А.Е.Чумаков ва Т.И.Захарова, касалликларни зарари эса А.Е.Чумаков ва Т.И.Захаровалар усулларида аниқланган.

Тутда касаллик кўзгатувчи замбуруғларнинг соф культурасини ажратишда Т.С.Кириленко келтирган усулдан фойдаланилган. Касаллик кўзгатувчи замбуруғларнинг микроскопик кўринишини ўрганишда Э.А.Коваль ва Л.Т.Горбеклар келтирган усуллари, уларни лабораторияда кўпайтиришда О.А.Берестецкий келтирган усули қўлланилган. Касаллик кўзгатувчи замбуруғларнинг патогенлик хусусиятлари М.К.Хохряков келтирган усулида аниқланган. Тут ўсимлиги билан олиб борилган тажрибалар У.Абдуллаев келтирган усуллардан фойдаланилган ҳолда олиб борилган. Касалликларга қарши қўлланилган фунгицид ва биопрепаратларнинг биологик самарадорлиги М.И.Дементьева келтирган усули ёрдамида ҳисоблаб чиқилган. Замбуруғ турларини аниқлашда М.А.Литвинов, В.И.Билай ва Н.М.Пидопличко аниқлагичларидан фойдаланилган, тадқиқотларнинг статистик таҳлили эса Б.А.Доспехов (1985) кўрсатган усулда аниқланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда биринчи марта Сурхондарё шароитида тутнинг касал намуналарида цитоспороз ва церкоспороз касалликлари ва уларнинг кўзгатувчилари аниқланган;

мазкур вилоятда вертициллиёз, илдиз чириш, кулранг ва кўнғир пўкак, ун-шудринг, фузариоз, церкоспороз, цилиндроспороз, цитоспороз касалликларининг тарқалиши, ривожланиши ҳамда зарари аниқланган;

тутда фузариоз касаллигининг кўзгатувчи замбуруғ турларининг патогенлик хусусиятлари аниқланган;

тут навларининг ун-шудринг ва фузариоз касалликларига чидамлилиги аниқланган;

ун-шудринг касаллигига қарши “Кантор” к.э.к. 200 г/л, “Медея” м.эм. 80 г/л ва “Цидели ТОП” 140 д.к. фунгицидларини қўллашнинг самарали меъёрлари ишлаб чиқилган;

фузариоз касаллигига қарши тут уруғларини экишдан олдин “Максим” XL 0,35 FS 3,5% сус.к. фунгициди ва “Оргамика Ф” биопрепарати билан дорилашнинг биологик ҳамда иктисодий самарадорлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Сурхондарё вилояти шароитида тутнинг ун-шудринг касаллигига “Пионер” ва “САНИШ-33” навлари ҳамда фузариозга “САНИШ-33” нави чидамли эканлиги аниқланган;

тутнинг ун-шудринг касаллигига қарши механик ва агротехник тадбирларни айрим элементларини қўллаш касалликнинг тарқалиши ҳамда ривожланишини чегаралади ва барг ҳосилини бир қисмини сақлаб қолди;

ун-шудринг касаллигига қарши “Медея” фунгицидининг 1,0 л/га сарф меъёрини қўллаш учун тавсия қилинган;

тутнинг фузариоз касаллигига қарши уруғларни экишдан олдин “Максим” фунгицидининг 1,5 л/кг меъёри ва “Оргамика Ф” биопрепаратининг 0,25 л/кг меъёри билан ишлов бериш бу касалликни камайтирган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** лаборатория, вегетацион ва дала тажрибаларда фитопатологик усуллардан фойдаланган ҳолда олинган маълумотларни бир-бирига мос келиши; тадқиқотларининг таҳлил қилинганлиги, ўтказилган тажрибаларда республикада ва хориж мамлакатларида кенг ишлатиладиган, апробациядан ўтган усулларни қўлланилиши; келтирилган маълумотлар статистик таҳлил қилинганлиги, натижалар асосланганлиги, тадқиқотларда олинган натижалар ишлаб чиқариш синовидан ўтказилганлиги; тажрибалар ҳар йили университет олимлари томонидан апробациядан ўтганлиги; тадқиқот натижалари республика ва халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Сурхондарё вилоятида тут касалликларининг тарқалиши, ривожланиши, зарарини, касаллик кўзгатувчи замбуруғларнинг патогенлик хусусиятларини ўрганилганлиги ҳамда кенг

тарқалган касалликларга қарши қўлланилган фунгицидлар ва биопрепаратларнинг самарадорлигини баҳоланиши билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тутда қайд этилган касалликларга қарши қўллаш учун фунгицидлар ва биопрепаратни меъёри ҳамда муддатларини тавсия қилинганлиги ва бу препаратларнинг биологик ҳамда иқтисодий самарадорлиги амалий жиҳатдан исботланганлиги билан ифодаланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тутнинг замбуруғ кўзғатадиган касалликларини тарқалиши, ривожланиши ва зарарини аниқлаш ҳамда уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий изланиш натижалари асосида:

тутнинг ун-шудринг касаллигига қарши “Медея” фунгицидининг 1,0 л/га сарф меъёрни қўллаш Сурхондарё вилояти Ангор ва Термиз туманларини “Агротут” жамиятига қарашли “Ангор агропилла” ва “Термиз агропилла” МЧЖ хўжаликларида жами 5 га тутзорда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 05 мартдаги № 05/028-784-сон маълумотномаси). Натижада ишлатилган препаратнинг биологик самарадорлиги “Ангор агропилла” МЧЖ хўжалигида 94,8-95,1% га, “Термиз агропилла” МЧЖ хўжалигида эса 95,4-95,6% га тенг бўлган;

тутнинг фузариоз касаллигига қарши 6,5 майдонга етадиган уруғларни экишдан олдин 1,5 мг/кг сарф меъёрида “Максим” уруғдориллагич фунгициди ва 0,25 л/кг сарф меъёрида “Оргамика Ф”  $2 \cdot 10^8$  кхқб/мл биопрепаратини билан дориллаб экиш Жарқўрғон тумани “Жарқўрғон тут уруғи” ва Шўрчи тумани “Кокан агротутзор” фермер хўжаликларида жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 05 мартдаги № 05/028-784-сон маълумотномаси). Натижада бу фермер хўжаликларида касаллик туфайли кўчатларни 20,2-24,3% нобуд бўлишдан сақлаб қолинган. Тут уруғларини экишдан олдин бу препаратлар билан дориллаш туфайли бир гектар майдонга сарфланган бир сўмни оқланиши мос ҳолда 6,7 ва 10,2 мартани ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, шу жумладан 2 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси юзасидан жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этаган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишлари, амалиётга, жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари дунёдаги етакчи олимларнинг маълумотлари илмий ишларнинг натижалари ўрганилиб, тутнинг замбуруғ қўзғатадиган касалликларини тарқалиши, ривожланиши, зарари ва биологик хусусиятлари ҳамда бу касалликларга қарши кураш чораларининг таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жой, материаллар ҳамда фойдаланилган усуллар бўйича маълумотлар берилган.

Тутзорларнинг фитосанитар ҳолати, касалликларни тарқалиши ҳамда ривожланиши А.Е.Чумаков ва Т.И.Захарова (1990) усуллари асосида ҳисоби олиб борилган. Тут касалликларига қарши ишлатилган препаратларнинг биологик самарадорлиги М.И.Дементьева (1985) келтирилган усулда ҳисоблаб чиқилган. Замбуруғларнинг патогенлик хусусияти Ж.М.Исин (2007) усулида ўрганилган. Тутнинг касал намуналаридан соф культурани ажратиб олиш ва аниқлаш М.А.Литвинов (1969), Н.М.Пидопличко (1977), В.И.Билай (1977) усуллари ёрдамида амалга оширилган.

Тадқиқот натижалари туфайли олинган маълумотларга статистик ишлов бериш дисперсион таҳлил қилиш усули бўйича ўтказилган (Б.А.Доспехов, 1985).

Диссертациянинг **“Сурхондарё вилояти шароитида тут касалликларининг учраши”** деб номланган учинчи бобида Сурхондарё шароитида 2015-2019 йиллар давомида тутнинг касалликларини ўрганиш давомида вилоятда замбуруғ қўзғатадиган вертициллёз, илдиз чириш, кулранг пўкак, ун-шудринг, фузариоз, цероспороз, цилиндропороз, цитоспороз ва кўнғир пўкак касалликларини ўрганиш бўйича ўтказилган илмий-тадқиқот натижалари келтирилган (1 жадвал).

## Тут касалликларининг учраши

№	Тут кўчатлари ва дарахтлари	Сурхондарё вилоятида қайд этилган касалликларнинг индекси, %								
		Вертицилл лёз	Илдиз чириш	Кулранг пўкак	Ун- шудринг	Фузариоз	Церкоспо роз	Цилиндро -спороз	Цитоспор оз	Кўнғир пўкак
1	Нихоллардан чиққан кўчатлар	0,6	-	-	-	21,2	-	-	-	-
2	1-2 йиллик кўчатлар	0,2	-	-	-	17,1	-	-	-	-
3	Бута кўчатлар	-	-	-	17,8	3,6	0,02	0,03	-	-
4	Кенг қаторлаб экилган бута тутлар	-	-	-	4,3	2,2	0,01	0,02	-	-
5	5-10 ёшли тут дарахтлари	-	-	-	5,6	2,7	0,01	0,02	-	-
6	10-25 ёшли тут дарахтлари	-	-	0,02	9,7	1,2	0,01	0,04	0,03	0,02
7	25 ёшдан катта тут дарахтлари	-	0,01	0,02	12,1	0,5	0,01	0,03	0,04	0,02
8	Қаторлаб экилган тут дарахтлари	-	0,01	0,03	6,2	1,1	0,01	0,02	0,04	0,03
9	Уруғ тайёрлашга ва қисман баргидан қурт боқишда фойдаланиладиган тут дарахтлари	-	0,01	0,03	15,4	1,3	0,01	0,03	0,05	0,04
ЭКФ <sub>05</sub> =					4,9	3,9				

Бу касалликлар орасида еттитаси республика шароитида авваллари аниқланган касалликлар бўлса, улардан иккитаси кўзгатувчиси *Cercospora moricola* бўлган церкоспороз ва *Cytospora atra* кўзгатадиган цитоспороз касалликлари биринчи марта қайд этилган.

Мазкур бобда ҳар бир касаллик ташхисининг тавсифи келтирилган ва касаллик кўзгатувчи замбуруғларнинг морфологик тузилишлари берилган.

Тутнинг фузариоз ва ун-шудринг касалликлари Сурхондарё вилояти шароитида кенг тарқалган ҳамда энг кўп зарар келтирган касалликлар экани аниқланган.

Диссертациянинг “Тутнинг ун-шудринг ва фузариоз касалликлари” деб номланган тўртинчи бобида тут баргининг сифатини ёмонлашишига ҳамда оғирлигини камайишига олиб келадиган ун-шудринг ва фузариоз касалликларини Сурхондарё вилояти тутзорларида тарқалиши ва

ривожланиши ўрганиш бўйича 2017-2019 йиллар давомида ўрганилган илмий-тадқиқот натижалари келтирилган.

Ун-шудринг касаллигини энг кўп тарқалиши ва ривожланиши Жарқўрғон (57,7-51,4% ва 30,8-28,8%), Ангор (50,4-44,1% ва 24,7-22,7%), Шўрчи (49,3-44,6% ва 28,6-26,6%), Термиз (48,7-42,4% ва 26,9-24,9%), Қумқўрғон (45,9-39,6% ва 23,7-21,7%), Шеробод (44,6-38,3% ва 22,0-20,1%) туманларида кузатилди, нисбатан энг кам учраши Узунда (22,9-19,0% ва 7,4-6,2%) қайд этилган. Ун-шудринг касаллигининг учрашидаги бундай ўзаро фарқ турли ёшдаги, айниқса катта ёшдаги тутзорларни бошқа туманларга нисбатан каттароқ майдонларни эгаллаганлиги (Жарқўрғон 581,1 га ва Ангор 292 га) ва бунинг натижасида юқори инфекцион босимни мавжудлиги шундай ҳолатни юзага келишига сабабчи бўлганлиги таъкидланган.

Тутнинг уруғидан униб чиққан ниҳолларни ва кўчатларни ўсишига бу касалликни таъсирини ўрганиш мақсадида Сурхондарё вилоятини кўчат билан таъминлайдиган (Ангор, Денов, Жарқўрғон, Шеробод, Шўрчи, Қизирик, Қумқўрғон) хўжаликларда тадқиқот ишлари олиб борилган. Ун-шудринг касаллиги уруғдан чиққан ниҳолларда ва 1-2 ёшдаги тут кўчатларида кузатилмаган. Қаламчалардан ўсган кўчатларда ун-шудринг касаллигини тарқалиши 4,3-6,9% гача, ривожланиши 1,1-2,4% гача бўлган, бу кўрсаткич пайвандланган кўчатларда 2,9-3,6% ва 0,9-1,1% га тенг бўлган. Тутзорлардаги дарахтларда ун-шудринг касаллигини тарқалиши ва ривожланиши ёши катталашган сари ортиб бориши аниқланган. Ун-шудринг касаллигини тарқалиши ва ривожланиши 5-10 ёшгача бўлган тут дарахтларда 23,1-35,2% ва 5,5-12,3%, 10-25 ёшгача бўлган дарахтларда бу кўрсаткич 26,8-44,2% ва 8,1-16,9% ҳамда 25 ёшдан ошган тутзорларда 28,5-43,1% ва 9,9-21,6% бўлганлиги қайд этилган.

Бу касаллик туфайли тут дарахтларининг барг ҳосили сезиларли даражада йўқотилиши аниқланган. 5-10 ёшгача бўлган тутзорларда бу касаллик туфайли барг оғирлигини йўқотилиши 14,9-16,8% га, 10-25 ёшгача тутзорларда 15,5-17,2% га, 25 ёшдан ошган тутзорларда 16,7-18,6% га тенг бўлганлиги кузатилган.

Сурхондарё вилоятининг тут плантацияларидаги дарахтларни ва кўчатхоналарда етиштирилаётган кўчатларни фитосанитар ҳолати кўздан кечирилганда, бир қатор тут касалликлари аниқланди ва улар орасида ташқи белгиларига кўра кўпроқ фузариоз касаллиги тарқалганлиги аниқланган.

Лабораторияда ўтказилган текширувлар натижасида ташқи белгиларига кўра, фузариоз касаллигига тўғри келадиغان барг, новда ва илдиш намуналаридан *Fusarium* туркумига мансуб 15 та замбуруғ турининг соф культураси ажратиб олинган. Тутнинг уруғдан чиққан ниҳоллари ва 1-2 ёшли кўчатларидан 11 та тур ажратиб олинган. Булардан *Fusarium heterosporum*, *F.javanicum* ва *Fusarium solani* турлари кўп ажратилган бўлса, *F.javanicum* var. *radicicola*, *F.sambucinum*, *F.solani* var. *argillaceum* вакилларининг учраши ўртача бўлиб, қолган турлар эса кам ажратилган. Тутнинг қаламчасидан ўсган кўчатларидан 9 та тур ажратилган бўлиб, улар орасидан кўп ҳолда

*F.javanicum* тури учраган бўлса, *F.gibbosum*, *F.heterosporum*, *F.solani*, *F.solani* var. *argillaceum* турларининг учраши ўртача бўлган. Қолган турлар кам қайд этилган. Пайвандланган кўчатлардан 7 та тур ажратиб олинган, шундан кўпинча *F.heterosporum* кузатилган бўлса, *F.solani* var. *argillaceum* турини учраши ўртача бўлиб, қолган турлар кам учраган. Тут дарахтларидан олинган намуналардан 7 та тур қайд этилган. Улар орасидан *F.lateritium* кўп, *F.solani* var. *argillaceum* ўртача ва қолган турлар кам учраши аниқланган. *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғларнинг тур таркиби ва уларни учраши тут ўсимлигининг ёшига қараб ўзгариб борар экан.

Тутнинг фузариоз касаллигини Сурхондарё вилояти туманлари бўйича тарқалиши ва ривожланиши таҳлил қилинса аввалдан тутчиликка ихтисослашган хўжаликларда кўпроқ қайд этилган бўлса, текисликдаги тутзорларда ва янги ташкил этилган плантацияларда уларнинг учраши нисбатан камроқ бўлган.

Фузариоз касаллигининг кўп тарқалиши ва ривожланиши тут уруғидан чиққан ниҳолларда кузатилган ҳамда бу кўрсаткич мос ҳолда 38,4-62,7% ва 18,9-31,4% га тенг бўлган. Ниҳолларнинг бу касаллик билан кучли зарарланиши улар униб чиққан дастлабки 2-3 ой давомида қайд этилган. Уруғдан етиштирилган 1-2 йиллик тут кўчатларида фузариоз касаллигини тарқалиши 20,1-23,2%, ривожланиши эса 9,2-11,3% ни ташкил этган. Қаламчадан етиштирилган кўчатларда касаллик кўрсаткичи мувофиқ равишда 26,8-28,3% ва 14,9-17,6% бўлиши аниқланган. Пайвандланган кўчатларда касалликни тарқалиши 24,2-26,0%, ривожланиши 11,5-14,0% бўлган. Катта ёшдаги тут дарахтларда фузариоз касаллигини бошқаларга қараганда камроқ учраши қайд этилган ҳамда касалликнинг тарқалишини 9,0-17,2% ва ривожланишини 5,2-9,3% бўлганлиги кузатилган.

Фузариоз касаллигининг тут ўсимлигида учраши таҳлил қилинганда, унинг кўп учраши ва касалликнинг кучли кечиши уруғдан чиққан ниҳолларда кузатилган бўлса, катта ёшдаги дарахтларда кам учраб, сурункали ҳолатга ўтиши қайд этилган. Дарахт ёши ошган сари фузариоз касаллигини учраши камайиб борган.

Кўчатларнинг биометрик кўрсаткичларига фузариоз касаллигини таъсири бўйича тадқиқотлар ҳам амалга оширилган.

Кўчатхоналарда етиштириладиган соғлом кўчатлар бўйининг узунлиги 157,6-170,4 см га етган бўлса, фузариоз касаллигига чалинган кўчатлар ўсиш ва ривожланишда орқада қолиб, уларнинг поясини ўсиши соғлом кўчатларга қараганда 29,2-35,0% га орқада қолиши аниқланган. Бундай кўчат барглариининг оғирлигига фузариоз касаллигининг таъсири ўрганилганда, 100 донга соғлом барглариининг оғирлиги 134,9 г - 145,1 г бўлганида, касал барглари 100 донасининг оғирлиги 109,4 г - 117 г бўлиши аниқланган. Бунда касал ўсимликдаги барглариининг оғирлиги соғломига нисбатан 17,2-19,3% га камайиши қайд этилган.

Тутнинг уруғидан чиққан ниҳолларига нисбатан фузариум замбуруғларининг патогенлигини аниқлаш учун тут ниҳолларидан ажратиб

олинган штаммлардан *Fusarium* замбуруғига мансуб турларнинг штаммларини тут уруғига нисбатан патогенлигини ўрганиш, уруғ шу штаммлар ўстирилган культурал суяқликда ивителиган ва инфекция билан сунъий зарарлантирилган.

Тут уруғининг энг паст унувчанлиги *F.solani*, *F.heterosporum*, *F.solani* var.*argillaceum* ва *F.javanicum* турларига мансуб штаммлар билан зарарлантирилган вариантларда кузатилган ва улар уруғнинг унувчанлигини назорат вариантыга нисбатан мос ҳолда 94,7%, 85,3%, 80,6% ва 74,1% га пасайтирган. Бу штаммлар уруғдан униб чиққан ниҳолларнинг назоратга нисбатан илдизчаларини мос равишда 56,7%, 50,0%, 43,9, 36,7% га, поячасини эса 40,8%, 38,2%, 36,8% ва 31,6% га ривожланишини орқада қолдирган. Бу замбуруғ турларининг штаммлари фақат тут уруғларининг униш қобилятини пасайтирибгина қолмай, балки ниҳолларнинг ўсиши ва ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатган. Тажриба натижаларига асосланиб *Fusarium* замбуруғининг *F.solani*, *F.heterosporum*, *F.solani* var.*argillaceum* ва *F.javanicum* турларини тут уруғидан униб чиққан ниҳолларнинг фузариоз касаллигини кўзғатувчилари деган хулосага келинган.

*Fusarium* туркумига мансуб турларни патогенлигини аниқлаш бўйича тажрибаларни давом эттириб, тутнинг қаламчаларидан ўсиб чиққан касал кўчатлардан ажратиб олинган штаммларни бу кўчатларга нисбатан патогенлиги ҳам синаб кўрилган.

Турлар орасида тут кўчатларига нисбатан юқори патогенликни *F.heterosporum* (100%), *F.solani* (100%) ва *F.javanicum* (93,3%) турлари намоён қилган. Касаллик туфайли тут кўчатлари 100 та баргининг ўртача оғирлиги назоратга нисбатан энг кўп йўқотилиши *F.heterosporum* (39,2%), *F.solani* (37,2%), *F.javanicum* (35,9%) турларининг штаммлари билан зарарлантирилган вариантларда аниқланган.

Тажриба натижаларига асосланиб қаламчадан етиштирилган кўчатларда фузариоз касаллигини *F.heterosporum*, *F.solani* ва *F.javanicum* турлари кўзғатиши аниқланган.

Диссертациянинг **“Тутнинг ун-шудринг ва фузариоз касалликларига қарши кураш чоралари”** деб номланган бешинчи бобида тут плантацияларини барпо этишда касалликка чидамли навлардан фойдаланиш ва уларга хос агротехникаларни жорий қилиш, ун-шудринг ва фузариоз касалликларини мазкур ҳолатга таъсирини ўрганиб, уларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Тут навларини ун-шудринг касаллигига чидамлилигини Сурхондарё вилоятининг туманларидаги тутчилик хўжаликларида экилган “Пионер”, “САНИШ-33”, “Тожикистон уруғсиз” ва “Ўзбекистон” навларида ўрганилган. Бу навлар орасида ун-шудринг касаллигига иммунитетни бор бирорта ҳам нав мавжуд эмаслиги қайд этилган (2 жадвал).

**Тут навларини ун-шудринг касаллигига чидамлилиги  
("Агропилла" МЧЖ)**

№	Тут навлари	Намуна олинган ўсимликлар сони, дона	Касал ўсимликлар		Ун-шудринг касаллиги		
			дона	%	тарқалиши, %	ривожланиши, %	индекси, %
1	Пионер	24	3	12,5	12,5	3,1	0,4
2	САНИШ-33	18	2	11,1	11,1	1,6	0,2
3	Тожикистон уруғсиз	30	19	63,3	63,3	32,8	20,8
4	Ўзбекистон	24	11	45,8	45,8	23,1	10,6
	ЭКФ <sub>05</sub> =	4,3	4,1	8,2	4,2	5,6	7,8

Ун-шудринг касаллигига чидамли "Пионер" ва "САНИШ-33" навлари эканлиги аниқланган. Бу навларнинг касаллик индекси мос ҳолда 0,4% ва 0,2% га тенг бўлган. Касаллик индекси 10,6% бўлган Ўзбекистон нави ўртача чидамсизликни намоён қилди. "Тожикистон уруғсиз" нави ун-шудринг касаллигига чидамсиз бўлиб, унинг касаллик индекси 20,8% га тенг бўлган. Сурхондарё вилояти Ангор "Агропилла" МЧЖ га қарашли тут плантациясида ун-шудрингга қарши касалликни олдини олиш ва касаллик кўзгатувчисини инфекция қолдиқларини йўқотиш бўйича тажрибалар 2018-2019 йиллар давомида ўтказилган. Бунинг учун тажрибалар бир неча вариантда амалга оширилган. Тажрибанинг касаллик туфайли қуриган новдаларни қирқиб ташлаб, тўкилган барглар йиғиштириб олинган тажриба вариантыда касалликни тарқалиши 40,3% ва 51,1%, ҳамда унинг ривожланиши 17,6% ва 18,5% бўлганлиги аниқланган. Ўтказилган тадбирлар туфайли назоратга нисбатан 6,0% ва 5,7% барг ҳосили сақлаб қолинган ҳамда биологик самарадорлик 21,8% ва 30,1% бўлган. Тажрибанинг касаллик туфайли қуриган новдалар қирқиб ташланган ва тўкилган барглар йиғиштириб олинган ҳамда дарахт таглари ораларидаги тупроқ чуқур ҳайдалган вариантыда эса касалликнинг тарқалиши 32,7% ва 38,5%, ривожланиши 10,2% ва 10,5 % ни ташкил этган. Бунда назоратга нисбатан сақлаб қолинган барг ҳосили 9,3% ва 8,6% га, биологик самарадорлик эса 54,7% ва 60,5% тенг бўлган. Ун-шудринг касаллигининг инфекция қолдиғини йўқотиш учун уларга баҳорда барглар ёйилмасдан "Строби" 50% с.д.г. (крезоксим-метил) фунгициди билан пуркаш вариантыда касалликни тарқалиши 16,7% ва 17,1%, ривожланиши 5,5% ва 6,1% га тенг бўлди. 10,7% ва 11,5% барг ҳосили сақлаб қолинган ҳамда биологик самарадорлик 75,5% ва 77,1% бўлган. Қуриган тут новдалари қирқиб ташланган ва тўкилган барглар йиғиштириб олинган ҳамда дарахт тагларидаги тупроқ чуқур ҳайдалиб, уларга баҳорда барглар ёйилмасдан "Строби" 50% с.д.г фунгицидини 0,2 га/кг меъёри билан ишлов берилган вариантда касалликни

тарқалиши 8,9% ва 10,2%, ривожланиши 3,4% ва 3,8%, барг ҳосилини сақланиб қолиши 13,2% ва 14,0% ни ташкил қилди ҳамда биологик самарадорлик 84,8% ва 85,7% га тенг бўлган. Назорат вариантыда ун-шудринг касаллигининг тарқалиши 57,9% ва 70,5% ҳамда ривожланиши 22,5% ва 26,5% бўлганлиги кузатилган. Тутнинг ун-шудринг касаллигига қарши қўлланилган фунгицидларнинг таъсирини таҳлил қилинганда, энг юқори биологик самарадорлик “Медея” фунгициди қўлланилган тажриба вариантларида кузатилган. Бу фунгицидни 10-25 ёшли тут дарахтларининг ун-шудринг касаллигига қарши қўлланилганда биологик самарадорлик 0,5 л/га сарф-меъёрида ишлатилганда 79,9%, 1,0 л/га қўлланилганда 94,8% ва 1,5 л/га ишлатилганда 95,4% бўлган, 25 ёшдан ошган тут дарахтларига мазкур фунгицид пуркалганда бу кўрсаткич мос ҳолда 74,6%, 95,1% ва 95,6% ни ташкил қилган (3 жадвал).

3-жадвал

**Тутнинг ун-шудринг касаллигига қарши фунгицидларнинг таъсири  
 (“Ангор агропилла” МЧЖ, 2019 йил).**

№	Фунгицидлар	Фунгицидларнинг сарф меъёри	10-25 ёшли тутлар				25 ёшдан ошган тутлар			
			касалликни			биологик самарадорлиги, %	касалликни			биологик самарадорлиги, %
			тарқалиши, %	ривожланиши, %	индекси, %		тарқалиши, %	ривожланиши, %	индекси, %	
1	Кантор к.э.к. 200 г/л	0,5 л/га	18,9	4,3	0,8	75,3	14,5	6,4	0,9	68,8
		1,0 л/га	4,4	1,2	0,05	93,1	3,7	1,7	0,06	91,7
		1,5 л/га	3,9	1,1	0,04	93,7	2,8	1,6	0,04	93,9
2	Медея м.эм. 80 г/л	0,5 л/га	13,4	3,5	0,5	79,9	11,4	5,2	0,6	74,6
		1,0 л/га	3,0	0,9	0,03	94,8	3,2	1,0	0,03	95,1
		1,5 л/га	2,6	0,8	0,02	95,4	2,4	0,9	0,02	95,6
3	Цидели ТОП 140 д.к.	0,6 л/га	16,2	5,4	0,9	69,0	12,7	6,1	0,8	70,2
		0,7 л/га	7,3	1,5	0,1	91,4	3,1	1,6	0,05	92,2
		0,8 л/га	4,4	1,3	0,06	92,5	2,9	1,4	0,04	93,2
4	Топаз 10% эм.к. (андоза)	0,3 л/га	8,9	2,3	0,2	86,8	10,0	3,2	0,3	84,3
5	Назорат (фунгицид қўлланилмаган)	-	40,0	17,4	7,0	-	48,1	20,5	9,9	-
ЭКФ <sub>05</sub> =										11,3

Тажрибада нисбатан кам биологик самарадорлик “Кантор” к.э.к. фунгициди ишлатилган вариантда қайд этилган. 10-25 ёшли тут дарахтларига бу препаратнинг 0,5 л/га сарф меъёри қўлланилганда биологик самарадорлик 75,3%, 1,0 л/га ишлатилганда 93,1%, 1,5 л/га пуркалганда 93,7% бўлган.

Тажрибада 25 ёшдан ошган тут дарахтларига фунгициднинг юқоридаги меъёрлари ишлатилганда биологик самарадорлик мувофиқ равишда 68,8%, 91,7% ва 93,9% га тенг бўлган. Андоза варианты “Топаз” фунгицидининг

0,3% л/га сарф-меъери қўлланилган вариантларда 10-25 ёшли тутларда биологик самарадорлик 86,8%, 25 ёшдан ошган дарахтларда 84,3% ни ташкил қилган.

Тажрибалар натижасида тутнинг ун-шудринг касаллигига қарши энг мақбули “Медея” фунгицидини 1,0 л/га сарф-меъери эканлиги аниқланган.

**Фузариоз касаллигига қарши кураш чоралари.** Тут кўчатлари ва дарахтларини фузариоз касаллигига чидамлилиги “Пионер”, “САНИШ-33”, “Тожикистон уруғсиз” ва “Ўзбекистон” навларида текширилган.

Тут навларини қаламчадан ўсган ва пайвандланган кўчатларидаги фузариоз касаллигини индексига қараб “САНИШ-33” нави (0,6-0,8%) чидамли, “Ўзбекистон” (10,1-11,4%) ва “Пионер” (11,4%-13,1%) навлари нисбатан чидамсиз ҳамда “Тожикистон уруғсиз” (20,1-23,0%) чидамсиз навлар эканлиги аниқланган (4 жадвал).

4-жадвал

### Тут навларининг фузариоз касаллигига чидамлилиги

№	Тут навлари	Қаламчадан ўсган кўчатлар			Пайвандланган кўчатлар			5-10 ёшли дарахтлар			10-25 ёшли дарахтлар		
		Касалликни			Касалликни			Касалликни			Касалликни		
		тарқалиши, %	ривожланиши, %	индекси, %	тарқалиши, %	ривожланиши, %	индекси, %	тарқалиши, %	ривожланиши, %	индекси, %	тарқалиши, %	ривожланиши, %	индекси, %
1	Пионер	54,8	23,9	13,1	48,1	23,6	11,4	16,4	9,2	1,5	10,9	6,3	0,7
2	САНИШ-33	12,9	6,3	0,8	11,3	5,7	0,6	4,8	0,2	0,01	-	-	-
3	Тожикистон уруғсиз	68,7	33,5	23,0	67,5	29,8	20,1	24,2	11,5	2,8	16,1	9,3	1,5
4	Ўзбекистон	47,9	23,8	11,4	46,5	21,8	10,1	14,8	7,0	1,0	-	-	-
	ЭКФ <sub>05</sub> =	10,2	8,9	0,7	9,8	12,1	9,9	3,1	6,7	1,2	2,6	1,5	0,8

Тутнинг фузариоз касаллигига қарши уруғларга “Максим” XL 0,35 FS 3,5% сус.к. фунгициди ва “Оргамика Ф”  $2 \cdot 10^8$  кхқб/мл биопрепаратини таъсирини ўрганиш бўйича лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар натижасида “Максим” препаратининг 1,5 мл/л ва 2,0 мл/л ҳамда “Оргамика Ф” препаратининг 0,25 л/кг меъери ишлатилган вариантларда замбуруғ турларининг бирортасини ҳам ўсиши қайд этилмаган. Шу сабабли бу препаратларнинг айнан мазкур меъери билан кейинги тажрибалар давом эттирилган.

Тут уруғига препаратлар билан ишлов беришнинг таъсирини дала шароитида ўрганилганда, “Максим” фунгициди билан ишлов берилган вариантда кўчатлар сони назоратга нисбатан 26,1% ортган. “Оргамика Ф” биопрепарати билан ишлов берилган вариантда бу кўрсаткич 21,6% бўлган. Андоза вариантыда, яъни “Витавакс 200” билан уруғлар дориланганда назоратга нисбатан 15,2% кўчатлар сақлаб қолинган (5 жадвал).

**Тутнинг фузариоз касаллигига қарши Максим XL 0,35 FS 3,5% сус.к. фунгициди ва Оргамика Ф 2·10<sup>8</sup> кхқб/мл биопрепаратининг иқтисодий самарадорлиги**

№	Кўрсаткичлар	Вариантлар		
		Назорат	Максим	Оргамика-Ф
1.	Препаратнинг сарф меъёри, л	-	1,5	0,25
2.	1 га майдондан олинган кўчатлар сони, минг дона	317,0	364,0	338,0
3.	Саклаб қолинган кўчатлар сони, минг	-	47,0	21,0
4.	Бир гектарга сарфланган дорининг умумий нархи, минг сўм/га	-	450,0	136,0
5.	Саклаб қолинган кўчатни йиғиб, ташишга кетган сарф, минг сўм/га	-	650,0	640,0
6.	Ўсимликларни химоя қилиш ҳамда қўшимча ҳосил йиғим-теримига кетган умумий сарф, минг сўм/га	-	1100,0	776,0
7.	Ҳосилни етиштириш учун қилинган умумий сарф, минг сўм/га	22800,0	22800,0	22800,0
8.	Жами сарф, минг сўм/га	22800,0	23900,0	23576,0
9.	Бир гектардан олинган ҳосилнинг нархи, минг сўм	158000,0	182000,0	169000,0
10.	Қўшимча ҳосилнинг қиймати, минг сўм/га	-	23500,0	10500,0
11.	Шартли соф фойда йиғиндиси, минг сўм	135200,0	158100,0	145424,0
12.	Назоратга нисбатан иқтисодий самарадорлик, минг сўм/га	-	22900,0	10224,0
13.	Сарфланган бир сўм окланиши, марта	-	6,7	10,2
14.	Химоя қилиш усулининг фойдалилиги (рентабеллиги), %	-	672,0	102,0

1 га майдондан саклаб қолинган кўчатлар сони “Максим” фунгициди билан дориланган вариантда 47 минг донага, “Оргамика Ф” биопрепарати билан дориланган вариантда 21 минг донага, бир гектарга сарфланган дорининг умумий нархи мос равишда 450 минг сўм ва 136 минг сўмга тенг бўлиши қайд этилган. Назоратга нисбатан иқтисодий самарадорлик мувофик ҳолда 22900 сўм ва 10224 сўмни ташкил этган бўлса, сарфланган бир сўмнинг окланиши 6,7 ва 10,2 марта бўлганлиги аниқланган. Препаратлар билан уруғга ишлов бериш уруғни инфекциядан ҳоли қилиб қолмай, унга тупрокдаги инфекцияни кириб келишига ҳам йўл қўймаслиги аниқланган. Соғлом кўчатлардан яратилган тутзорлардаги ўсимликларни ўсиши ва ривожланиши нормал бўлганлиги учун барг ҳосили ҳам юқори бўлган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Сурхондарё шароитида тутнинг касалликларини ўрганиш натижасида вилоятда замбуруғ кўзгатадиган тўқкизта касаллик аниқланди ва улар орасида Ўзбекистонда тутда илгари қайд этилмаган церкоспороз ва цитоспороз касалликлари маълум бўлди.

2. Сурхондарё вилояти тутзорларидаги дарахтларда ун-шудринг касаллигини тарқалиши ва ривожланиши ёши катталашган сари ортиб бориши аниқланган. Ун-шудринг касаллигини тарқалиши ва ривожланиши 5-10 ёшгача тут дарахтларида 23,1-35,2% ва 5,5-12,3%, 10-25 ёшгача бўлган дарахтларда бу кўрсаткич 26,8-44,2% ва 8,1-16,9% ҳамда 25 ёшдан ошган тутзорларда 28,5-43,1% ва 9,9-21,6% бўлганлиги кузатилди.

3. Ун-шудринг касаллиги туфайли барг ҳосили йўқотилиши 5-10 ёшгача бўлган тутзорларда 14,9-16,8% га, 10-25 ёшгача бўлган тутзорларда 15,5-17,2% га, 25 ёшдан ошган тутзорларда эса 16,7-18,6 % га тенг бўлди.

4. Сурхондарё вилоятининг тут плантацияларидаги фузариоз касаллигига чалинган намуналардан *Fusarium* туркумига мансуб 12 та тур ажратиб олинган ва касалликнинг кучли кечиши уруғдан чиққан ниҳолларда кузатилган бўлса, катта ёшдаги дарахтларда кам учраб, сурункали шаклига ўтиши аниқланган ҳамда касал ўсимлик баргларининг оғирлигининг соғломига нисбатан 17,2-19,3% га камайиши қайд этилди.

5. *Fusarium* замбуруғининг турларини патогенлик хусусияти ўрганилганда *F.solani*, *F.heterosporum*, *F.solani var.argillaceum* ва *F.javanicum* турларини тут уруғидан униб чиққан ниҳолларнинг фузариоз касаллигини кўзгатувчилари эканлиги, қаламчадан етиштирилган кўчатларда эса *F.heterosporum*, *F.solani* ва *F.javanicum* турлари касалликни кўзгатиши аниқланган. Назоратга нисбатан барг ҳосилини йўқотилиши *F.heterosporum* тури таъсирида 39,2%, *F.solani* да 37,2%, *F.javanicum* да 35,9% бўлиши кузатилди.

6. Сурхондарё вилоятидаги тутзорларда экилган тут навларини ун-шудринг касаллигига чидамлилиги ўрганилганда “Пионер” ва “САНИШ-33” навлари касалликка чидамли, “Ўзбекистон нави” ўртача чидамсиз, “Тожикистон уруғсиз” нави чидамсиз эканлиги аниқланди.

7. Тутнинг ун-шудринг касаллигига қарши синалган фунгицидлар орасида самарадорлигига кўра, сарфланиш меъёрига қараб ва иқтисодий кўрсаткичларини ҳисобга олиб энг мақбули “Медея” м.эм. (80 г/л) фунгицидини 1,0 л/га сарф-меъёри эканлиги қайд этилди.

8. Тутнинг “САНИШ-33” ва “Ўзбекистон” навлари фузариоз касаллигига чидамли, “Пионер” нави нисбатан чидамсиз, “Тожикистон уруғсиз” нави чидамсиз бўлиши аниқланди.

9. Тутнинг фузариоз касаллигига қарши уруғларни экишдан олдин “Максим” XL 0,35 FS 3,5% сус.к. фунгицидини 1,5 мл/кг ёки “Оргамика Ф”  $2 \cdot 10^8$  кхкб/мл биопрепаратининг 0,25 л/кг меъёрида ишлов бериб экиш хар

гектар ердан олинадиган кўчатлар миқдорини оширилди ва кўчатларнинг ўсув даврида фузариоз касаллиги билан зарарланишини кескин камайтирди.

10. Фузариоз касаллигига қарши тут уруғларини дорилаш туфайли 1 га майдондан сақлаб қолинган кўчатлар сони “Максим” фунгициди ишлатилган вариантда 47 минг донага, “Оргамика Ф” биопрепарати қўлланилган вариантда 21 минг донага тенг бўлган. Назоратга нисбатан сарфланган бир сўмни оқланиши мос ҳолда 6,7 ва 10,2 марта бўлганлиги аниқланди.

11. Тутнинг ун-шудринг касаллигига қарши кураш чоралари сифатида кеч кузда қуриган новдаларни қирқиш, тўкилган баргларни йиғиштириб олиш, дарахт таги ва қатор ораларидаги тупрокни чуқур ҳайдаш ҳамда касаллик инфекцияси қолдиғини йўқотиш учун дарахтларга барг чиқармасдан “Строби” 50% фунгицидини 0.2 кг/га меъёри билан ишлов бериш тавсия этилади.

12. Тутзорларни ун-шудринг касаллигига чидамли “Пионер” ва “САНИШ-33”, фузариоз касаллигига чидамли бўлган “САНИШ-33” ва “Ўзбекистон” навларидан барпо этиш тавсия этилади.

13. Ун-шудринг касаллигига қарши ўсув даврида касаллик белгилари пайдо бўлиши билан “Медея” м.эм. (80г/л) фунгицидини 1,0 л/га сарф-меъёри билан тут дарахтларига ишлов бериш, фузариоз касаллигига қарши уруғлар экишдан олдин “Максим” XL 0,35 FS 3,5% сус.к. фунгицидини 1,5 мл/кг ёки “Оргамика Ф”  $2 \cdot 10^8$  кхқб/мл биопрепаратининг 0,25 л/кг меъёрида ишлов бериш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**НОРМАТОВ БАХОДИР ИСМОИЛОВИЧ**

**РАСПРОСТРАНЕНИЕ ГРИБНЫХ БОЛЕЗНЕЙ ШЕЛКОВИЦЫ В  
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ И МЕРЫ БОРЬБЫ С НИМИ**

**06.01.09 – Защита растений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.2.PhD/Qx534.

Диссертация выполнена в Андижанском филиале Ташкентского государственного аграрного университета.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:** Зупаров Миракбар Абзалович  
кандидат биологических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** Гулмуродов Риксибой Абдиевич  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Холдоров Мирхалил Уразбекович  
кандидат биологических наук, старший научный сотрудник

**Ведущая организация:** Научно-исследовательский институт лесного хозяйства

Защита диссертации состоится «14» 01 2020 года в 13<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 542627). (Адрес: 00140, Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «26» 11 2020 года.  
(реестр протокола рассылки номер 099 от «24» 11 2020 года).



**Б.А.Сулаймонов**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., академик

**Я.Х.Юлдашов**

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с/х.н., профессор

**Э.Т.Бердиев**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.с/х.н.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире насчитывается более 20 стран-производителей коконов, а Республика Узбекистан является третьей по величине страной-производителем коконов после Китая и Индии. Если урожай кокона с одной коробки в Китае составляет 80,0-85,0 кг, в Индии – 78,0-80,0 кг, то в Узбекистане этот показатель равен 59,0 кг<sup>3</sup>.

В ведущих научно-исследовательских центрах мира проводились исследования по распространённости, развитию грибов *Fusarium heterosporum*, *F.javanicum*, *F. solani*, *F.javanicum* var. *radicicola*, *F.sambucinum*, *F.solani* var. *Argillaceum*, вызывающих болезни на деревьях шелковицы, их вредоносности и мерам борьбы против них. В результате этого достигнуто сохранение урожая, который терялся по причине грибных болезней. На сегодняшний день также актуальным является проведение научно-исследовательских работ, направленных на разработку эффективных мер борьбы против болезней шелковицы, вызываемых грибами.

Единственным и основным продуктом питания тутового шелкопряда все еще остается лист шелковицы. Поэтому важное значение имеет создание высокопродуктивной пищевой базы в развитии шелководства. За последние 25 лет, по причине слабого уделения внимания данной отрасли, производство шелкового сырья в Узбекистане из года в год снижалось. Плантации шелковицы, как основной пищевой базы шелкопряда, были заброшены, в большинстве случаев тутовые деревья вырубали, используя их в качестве топлива. Кроме того, по причине поражения различными вредителями и болезнями, продуктивность резко снизилась из-за. Кроме того, из-за различных вредителей и болезней продуктивность плантаций шелковицы резко снизилась. С целью выхода из такой плачевной ситуации и восстановления, а также развития этой отрасли за последние три года Президентом и Правительством Республики Узбекистан приняты ряд указов и постановлений.

В пункте 3.3 Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, посвященному развитию сельского хозяйства, отдельно отмечены задачи по «...разработке и внедрению мер защиты растений от болезней и вредителей»<sup>4</sup>.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № 2856 от 29 марта 2017 года «О мерах по

<sup>3</sup> PROCEEDINGS of Genetic Resources Institute of Azerbaijan National Academy of Sciences. BARU-2018 Elmi Eserlti, VII cild, №2. –P.126-131.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

